

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI


1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 4 декабрь, чоршанба • №96 (11.484) • Эркин нархда со.илади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

СУВЕРЕНИТЕТ

Суверенитет — мустақил давлатчиликнинг энг асосий ва гоят муҳим белгисидир. Асосий Қонунимизнинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг суверенлиги ва мустақиллиги таъкидланиб, шундай қайд қилинган: «Ўзбекистон — суверен демократик республика».

Давлатнинг суверенлиги, биринчидан, унинг мамлакатимиз ичарисида устуворлиги ва мустақиллигини билдиради. Иккинчидан, суверенлик давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасида бошқа давлатлар билан ўзаро ҳар томонлама алоқаларда устувор ва мустақил эканлигининг, дунёда Ўзбекистон Республикаси ўз муносиб ўрнини эгаллаганлигини билдиради. Давлат суверенитети беистисно барча халқ ҳоқими яти ваколатини фақат конституциявий шакллантирилган ва амал қилаётган давлат институтлари тўла ва сўзсиз муваммаллаштириш зарурлигини назарда тутди.



Давлатнинг суверенлиги, биринчидан, унинг мамлакатимиз ичарисида устуворлиги ва мустақиллигини билдиради. Иккинчидан, суверенлик давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасида бошқа давлатлар билан ўзаро ҳар томонлама алоқаларда устувор ва мустақил эканлигининг, дунёда Ўзбекистон Республикаси ўз муносиб ўрнини эгаллаганлигини билдиради. Давлат суверенитети беистисно барча халқ ҳоқими яти ваколатини фақат конституциявий шакллантирилган ва амал қилаётган давлат институтлари тўла ва сўзсиз муваммаллаштириш зарурлигини назарда тутди.

ҲОКИМЛИК ТАШАББУСИ БИЛАН

Паркент тумани ҳоқимлиги ташаббуси билан яхши тадбирга асос солинди. Ҳафтанинг бир кунини туман ҳоқими М. Кўччиев бошлиқлида ҳоқимлик бўлим бошқислари бевосита жойларга чиқиб, фуқаролар билан учрашувлар ўтказмоқда.

ЁШ ПИАНИНОЧИЛАР ЮТУҒИ

Қадимги Эллада пойтахти — Афина шаҳрида Греция Маданият вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган пианиночиларнинг VIII халқаро «Konzertum-2002» танлови бўлиб ўтди.



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

Инсон қалбидини қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир ҲАЖОН АДАБИЁТИ тарихида камдан-кам топилади.

Ислоҳ Каримов

Истиқлол шарофати туйғули қўлаб буюк аждодларимиз сингари улғур шои ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам халқимиз кўз ўнгига бор буюклиги билан қайта намойиш бўлмоқда.

Ўтган ҳафтада эса, илгари хабар берилганидек, Москва шаҳрининг Серпухов майдонига қўрқам хибонда буюк бобокалонимизга улғур хайкал тикланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси, Москва шаҳри раҳбарияти, ҳар икки мамлакат фан ва маданият намояндалари, шоир ижодидини муҳлислари ноавоийшунлар иштирок этди.

КУРАШ - ФАҲРУ ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги Осиё ўйинлари давом этаётган кунлари Чунгжу шаҳрида маҳаллий журналист билан гурунлашиб қолдим. Қарасам, нима ҳақида сўрамай, ўзиникини - Кореяникини мақтайди. Унинг назарида, дунёдаги энг тежамкор, энг меҳнаткаш халқ - корейслар. Жаҳондаги спорт турларининг ичида эса, таъкидлашга таянган йўқ. Оммавий. Шугулланган киши жисмоний ва маънавий камолотга тез етади. Шунинг учун таъкидлашга қарайларнинг семимий миллий ўйини.



Хуллас, нима ҳақида савол бермай, барчасига бир хил жавоб олдим: «Бизникига етадигани йўқ!» Эътибор берсам, бундай фахр-ифтихор кўпчилик корейсларга хос экан.

Бу билан футболнинг оммавийлигини, боксининг шиддатию, тенниснинг жозибасини рад эттиш, қўйинги, бошқа спорт турларини камситиш фикридан йироқимиз. Лекин, масаланинг иккинчи жиҳатини эсдан чиқармаслик зарур. Футбол Кореяда ҳам энг оммавий спорт тури ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамай, корейслар биринчи ўринга барибир ўзиникини - таъкидлашга қарайди. Нега? Боиси миллий спортнинг халқаро майдонда ривожланиши бошқа мамлакатларга айнан ўша миллиятнинг тилини, маданиятини, урф-одатини, бир сўз билан айтганда, қадриятларини олиб қиради. Не бахтки, бугун кураш ҳам ўзбеклар учун худди шундай вазифани бажармоқда. Ўзбекистоннинг маданияти, қадрияти кураш орқали дунёнинг қўлаб давлатига кириб борди ва бормоқда. Бразилия вакиллари кураш тилини жаҳон чемпионатини БИЗ ўтказамиз, деб талашаётгани бу борадаги катта ютуғимиз эмасми? «Халол», «ёнбош», «чала» каби сўзлар Океания минтақасидаги халқлар тилини тақасидида кураш тилини янграётгани-чи? Африка китъасининг биз учун анчайин нотаниш бўлган миллият ва элатлари вакиллари гиламга чиққанида, қўлини қўлсига қўйиб таъзим қилмоқда. Биродарқушлик урушининг ачиқ тунтулари буткул тарқаб улгурмаган Афғонистонда кураш федерацияси ташкил этилди. Кураш халқаро ассоциациясига аъзо давлатлар сони олтимишга етди. Айтинги, қайси миллиятнинг спорт тури атига тўрт йил ичида шунчалик муваффақиятга эришган?

ОЛМАЛИҚДА ОЧИК МУЛОҚОТ

Вилоят «Маънавият ва маърифат» Марказининг Олмалик шаҳрида кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказган очик мулоқоти «Конституция: Фуқаролик жамиятининг муҳим шарт. Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат» мавзусига бағишланди.

БИЗ УЧУН ЭМАС, ЎЗИНГИЗ УЧУН ЎҚИНГ!

Матбуот эркинлиги кўнун билан таъминланган, унинг таъсири ортиб бораётган ҳозирги бисқатда бу тушунарли хол. Олий Мажлиснинг эрта-индин иш бошлайдиган ўнинчи сессияси яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат — ахборот олиш эркинлиги принциплари ва қондалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Обуна - 2003

Биз матбуотнинг янгиланган ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапиримиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққинчи сессиясида Президентимиз Ислоҳ Каримов оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотнинг ислохотларини амалга ошириш давридаги йўналишувчи таъсир кучига алоҳида тўхталиди.

Сессиядан кейинги ўйлар ВИЖДОНИ УЙҒОҚ, ИМОНИ БУТ


Таъбир жоиз бўлса, Президентнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи мазмун-моҳиятидан ана шундай хулоса чиқариш мумкин. Юртбоши таъкидлаганидек, ҳар қандай жамоанинг муваффақияти, салоҳияти, довруғи ва нуфузи биринчи гада раҳбарга, унинг савий-ҳаракатига, ҳалол-поклиги ва имон-эътиқодига боғлиқ. Исроҳ таллаб қилмайдиган бу ҳақиқат амалда ўз тасдиғини топган ва тояптапти. Бунга вилоятимизнинг ўзини давом қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

«ОМОН ЁР» ҲИНД МАКТАБИ САҲНАСАДА

Ҳинд мактабларида ҳар йили ўзинга хос бир маданий тадбир ўтказилади. Мактаб ўқувчилари жамоаси, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокидаги ўшбу тадбирга давлат ёки ҳукумат бошқаруви идораларида фаолият кўрсатаётган юқори мартабали арбоблар ҳамда ҳорижий мамлакатлар вакиллари тақдиф этилади. Тадбирда мактаб ўқувчилари ижросидаги турли мамлакатлар халқларининг ашула ва рақслари меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинади. Бундан қўзланган максод йилларда Ватанга муҳаббат ва элларварлик туйғуларини мустақамлаш билан бирга ўқувчиларни бошқа мамлакатларда яшайдиган тенгдошлари, уларнинг миллий маданиятидан халқдор эътиш ҳамда дунё халқлари маданиятига хурмат билан муносабатда бўлишга ўргатишдир.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» хамишаси билан! Доимо бирга бўлайлик, азизлар! Шўҳрат УМИРОВ, «ҲАЖОН» АА муҳбири, Деҳли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига



ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

74-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Шарҳланган модда баён қилинган қоида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1- ва 9-моддаларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларида янада ривожланган.

диринаи ўзи белгилаши ҳуқуқи, яъни ўз давлат-сиёсий мақоми эркин белгилаш ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини ўзи таъминлашини Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинмишдан гувоҳлик беради. Гарчи «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги» қонуннинг 5-моддаси республика ҳудудларининг ахлитилигини ўзгартириш масаласини референдумга қўймаслиги керак бўлган масалалар қаторига қўйса-да, бу ерда ушбу қонундан шартлаш лозим. Конституциянинг шарҳланган моддаси эса, ушбу ҳолатга нисбатан тўғридан-тўғри ҳаракатдаги норма

хисобланади ва ўз маъносидан изоҳланиши шарт. Таъкидлаш лозимки, дунёдаги кўплаб федерацияларнинг субъектлари давлат таркиbidан чиқиш ҳуқуқига ҳам, шунингдек, улар ўз фуқаролигига ҳам, базилари эса Конституцияга ҳам эга эмас. Қорақалпоғистон Республикасининг референдуми давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича умумхалқ овоз бериши бўлиб, у халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш вазифасидир. Шубҳасиз, Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркиbidан чиқиши тўғрисидаги масала қорақалпоқ халқи учун энг

муҳим масалалар қаторига киради.

Конунда кўрсатилган ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахслардан ташқари, Қорақалпоғистоннинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролари, унинг Жўрғи Кенгеси ва раиси референдум ўтказиш ташаббуси билан чиқишлари мумкин. Референдумда овоз бериш яширин бўлади, фуқароларнинг ўз хоши-иродаларини билдиришларини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Референдум ўтказиш ҳақидаги қарори Қорақалпоғистон Республикасининг Жўрғи Кенгеси қабул қилади, овоз бериш санасини ҳам унинг ўзи белгилайди. Референдумда қабул қилинган қарор Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудда олий юридик кучга эга ва фақат референдум йўли билан ўзгартрилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Эргаш САЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.



Чирчиқда ўзбек ва немис тадбиркорлари бир-галликда барпо этган «Кибо» болалар пойабзали қўшма корхонасида фарзандларимиз учун мўлжаллаб тайёрланган турли оёқ кийимлари ўзининг бежиримлиги, нафислиги, замонавий дизайни билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бундай пойабзаллар харидордир бўлмақда ва уларга нисбатан талаб муттасил ортиб бораёпти. Жорий йил бошидан бери бир миллиард сўмликдан орტიқ маҳсулот фирма дўконлари ва бошқа савдо шохобчаларига етказиб берилди.

СУРАТДА: корхонанинг тажрибали ишчиларидан бири — оператор Ленур Зоқиров иш устида. Владимир ГРАНКИН олган сурат.

БИЗ УЧУН ЭМАС, ЎЗИНГИЗ УЧУН ЎҚИНГ!

матбуот нашрларига кўпгина корхона, ташкилот ва идоралар обуна бўлишаётир. Лекин умуман олганда «Обуна — 2003» жараёни олдинги йиллардагидан суस्त бораётир. Кўпгина буни матбуот нашрлари обуна тарихининг юқори эканлиги, айрим газета ва журналларнинг мазмун-мундарижаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги — ўқиш эмаслиги билан изохлашади. Бу каби эътирозларни инкор этмай, матбуот нашрлари фаолияти ханау мўйман чамчиликлардан холи эмас. Бирок бу матбуотни ўқимаслик, англофильдан, ислотхотларнинг боришидан бохабар бўлмаслик дегани эмас. Таажубланарли жойи шундаки, ўзларига тегишли бирор мақола ёки хабар эълон қилинса, ҳатто, айрим вилоят бошқармалари, ҳуқуқ тартибот идоралари ҳам таҳририятга газета сўраб келишади. Бу лоқайдлик, эътиборсизликдан бошқа нарса эмас. Айни шу жиҳат келгуси йил учун газета-журналларга обуна бўлишда ҳам кўзга ташланмоқда. Акс ҳолда «Тошкент ҳақиқати» газетаси учун шу йилнинг 2 декабридан Бекобод шаҳрида режанинг бор-йўги 7,2 фоизи, Бекобод туманида 5,9 фоизи, Бўстонлик туманида 4,5 фоизи, Янгийўл туманида 5,5 фоизи

милқорида обуна тўпланганлигини қандай изохлаш мумкин. Ёки «Ташкентская правда» газетасини олайлик. Кўрсатилган кўнгатда бу газетга Бекобод шаҳрида 2,7, Чирчиқ шаҳрида 5,6, Покент туманида 1,7, Бекобод туманида 5, Охангарон шаҳрида 6,3 фоиз обуна тўланган. Марказий газеталар ва бошқа нашрлар учун обуна тўлашин билан изохлашади. Бу каби эътирозларни инкор этмай, матбуот нашрлари фаолияти ханау мўйман чамчиликлардан холи эмас. Бирок бу матбуотни ўқимаслик, англофильдан, ислотхотларнинг боришидан бохабар бўлмаслик дегани эмас. Таажубланарли жойи шундаки, ўзларига тегишли бирор мақола ёки хабар эълон қилинса, ҳатто, айрим вилоят бошқармалари, ҳуқуқ тартибот идоралари ҳам таҳририятга газета сўраб келишади. Бу лоқайдлик, эътиборсизликдан бошқа нарса эмас. Айни шу жиҳат келгуси йил учун газета-журналларга обуна бўлишда ҳам кўзга ташланмоқда. Акс ҳолда «Тошкент ҳақиқати» газетаси учун шу йилнинг 2 декабридан Бекобод шаҳрида режанинг бор-йўги 7,2 фоизи, Бекобод туманида 5,9 фоизи, Бўстонлик туманида 4,5 фоизи, Янгийўл туманида 5,5 фоизи

СУВЕРЕНИТЕТ

«Шериклик битими» Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига қатъи эътибор бераётганлигини кўрсатади. Президентимизнинг жаҳондаги турли мамлакатлар (Давоми. Боши 1-бетда).

публикация халқаро нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон мустақиллигиде кечган 11 йил ичиде халқаро муносабатларда салмоқли натижаларга эришиди, жаҳоннинг кўзга кўринган давлатлари орасида ўз овози ва салмоқли мақамига эга бўлди. Мамлакатимиз ўз Асосий

Конунининг 10 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўрилатган шу кунларда биз давлат суверенитети тўлуқсининг маъно-моҳиятини тобора чуқур аниглаб етмоқдамиз. Мустақиллигимизни яна ҳам мустақамлаб бориш фарзандлик бурчимиз эканлигини теран анигламоқдамиз.

Улуғбек ХАБИЛЖОНОВ, Тошкент Давлат юридик институти талаббиси.

БУЮК АЖДОДАРИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

лини ўрганмасидилар? Тўрт оғиз бўлса ҳам ўзбекча гапиришга ҳаракат қилмасидилар? Ававали асрларда Чор Россияси босиб олган Урта Осиёни генерал-губернаторлар қандай идора қилган бўлса, совет замонида ҳам ўлкамиз худуди шу зайдда идора қилинди. Шунинг учун Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкали Москвада ўрнатилганлигини мен, биринчи навбатда, мустақиллигимизнинг меваси, деб биламан. Зотан, биз Мустақиллик сабаб дунёда бу қадар қад тортадик. Президентимиз Имом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатимиз тўғрисида бундан буй кўрсатдик, обрў-эътибор қозондик, муносиб қадрдандик. Худди шу боиски, Россия ҳам бизни қадрлади, Москва бизга эътибор қаради. Президентимизнинг бу борадаги сайёҳаракатлари, хусусан, Москва мэри билан мулоқотларининг натижаси ўлароқ, ана шу хайкал Россия Федерацияси пойтахтида қад ростлади. Москвада буюк ўзбек шоирига хайкал ўрнатилиши гоёсини кўплаб-қувватлаган россиялик бир гуруҳ фан ва маданият намояндлари ташаббусини, умуман, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожини миннатдорлик ила тилга олиш ўринлидир. Ҳазрат Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» («Кўш тили») фалсафий дostonидан илҳом ва сўрур олган танқили хайкалтарақимиз Раҳшонбек Миртояев, шунингдек, россиялик мейморлар — Александр Кузьмин ва Игорь Воскресенский иходи маҳсули бўлган бу хайкал инча бир ёдгорликка айлангани, Москванинг кўрғина кўрқ қўшиб, магар қад кўтариб тургани, бобомиз сиёсатида асл шарқона салобат шён акс эттиридан мамнуман. Алоҳида эътиборга молик томони — бобомиз хайкали Москванинг қоқ марказига қўйилди. Хайкал ўрнатилган уч метрли гранит пойдеворда Ҳазратнинг кўйидаги ҳикматли сўзлари битилган: «Олам аҳди билансизкам, иш эмас душманлик, Ер ўлган бир-бирингизакни, эррўр ўлган иш. Биласиз, Тошкентда пойтахтимизнинг шарқи билан гарбинчи тўлаштирауиш икки кўча бор. Биринчи номи — Навоий, иккинчи — Пушкин қўчаси. Бул икки зот турли замоналарда яшаган, турли тилларда ижод қилган. Лекин иккаласи ҳам ўзларининг қийин ва мушкул замонасида инсон қалбining озошлигини, муҳаббат ва эзгуликни қуй

йилларидагина насиб этди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, миллий анъаналар қайта тиклана бошлади. Тоталитар тузум даврида бутунлай маън қилинган ёки унуттишга маҳкум этилган удумлару одатларимиз янгидан кўз оча бошлади. Ўзбек халқининг ана шундай қадриятларидан бири кураш эди. Бир гапни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар бу интилишларни Ўзбекистон Республикаси Президентини, Кураш халқаро ассоциацияси фахрий Президенти Имом Каримов кўллаб-қувватлаганида, полвонларга етарли шароит яратиб берилганида кураш жаҳон майдонида хозиргидек обрў топмаган бўларди. Айримлар курашни дуюдо ва самбога ўхшатиди. Балки қўлланаладиган усулларда ўлхашлик бордир. Лекин дуюдонинг қачон яратилгани ва курашнинг неча ёшдалигини эсдан чиқармаслик керак. Яна бир қиёс: дуюдо буйича биринчи жаҳон чемпионатида етти давлатдан спортчилар иштирок этган бўлса, кураш буйича биринчи жаҳон чемпионатида эллика яқин мамлакатнинг полвонлари гиламга чиқди. Мана бу самий эътироф эса дунё дуюдочиларининг энг танқили вакилларидан бири Салим Татар ўлига тегишли: «Биз доим ёпиқ стадионларда бахслашардик, нари борса, икки минг томошабин бўлардик. Кураш буйича ўтказилган кўллаб мусобақаларда галаба қозонишимизга очик майдондаги 20 мингдан зиёд мухлиснинг кўллаб-қувватлаши, олқиш сабаб бўлгани, шубҳасиз. Қайси спорт турининг эърурлигини унинг мухлислагига қараб билса бўлади. меймонлар ташриф бурюди. Улар орасида дуюдо оламнинг энг машур кишиларидан бири Геннадий Калеткиннинг қатъи аяхон билан айтган гаплари эсимда қолган: — Кураш — узоқ тарихга эга келажак спортй. Бу халқаро ассоциациясининг турли мамлакатларда ўтказилган йиллик мусобақалар жадавалининг жуда тизгиллиги у дунёда оммавий спорт турига айланаётганидан далел бўлади. 8-11 декабрь кунлари Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ўтказилган чемпионат ташриф бурюди. Ана шу янги спорт тури кўллаб мамлакатларда ривожланишига ишонаман. Россиялик мутахассиснинг башорати амалда исботланди. Бугун дунёнинг барча қитъаларида кураш федерациялари тузилган. Осиё, Океания, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида кураш жадал ривожланаётганини кўллаб мисолларда қўриш мумкин. Европалик ёшларнинг курашга бўлган қизиқиши кундан-кунга кучаймоқда. Ҳар йилли Буюк Британияда ташкил этиладиган Имом Каримов анъанавий турнирининг иштирокчилари сони ортиб бораётгани фикримизнинг исботидир. Ҳиндистонда маҳсус кураш мактаблари бор. Японияда кураш ҳақида фото альбомлар нашр этилади. Кураш диган навбатдаги Осиё чемпионатида қизгин тайёргарлик қўрилайгани ҳам юқоридеги фикримизнинг исботидир. Унда қитъанинг мана-ман деган полвонлари ўзбек кураши буйича чемпион бўлиш учун гиламга чиқади. Сайёрамизнинг турли китъа ва минтақаларида истикомат қилувчи не-не халқлар, элалар курашнинг жоизлигини, инсонпарварлик, байналминиллик, бағрикенглик гоғларига маҳлиб бўлиб, севишли спорт тури сифатида қабул қилди. Кураш турли миллатларни бир-бирига бирлаштирауиш, жипслаштирувиш беминнат ришта янгли буй қўрсатапти. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Олдинда эса курашнинг Олимпиада ўйинлари таркибидеги киритишдек янада улкан вазифа турибди.

Кураш — фахру ифтихоримиз рамзи

ЭНГ ЯХШИ СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

10 декабрь кун Тошкент фото уюнда «Азиз қарияларимиз» 1 халқаро бадийи фотография танловида намойиш этилган энг яхши тўрт юз сурат кўргазмаси очилди. Ушбу суратлар 16 мамлакатдан келган икки юзга яқин моҳир сураткашларнинг мингдан зиёд асарлари ичидан танлов олинган. Танлов голиблари билан бир қаторда энг яхши деб топилган 200 та сурат кўргазма каталоги киритилди. Маълумки, утказилган танловда Француз фото устаси Жан-Кристоф Бешеннинг «Менинг бувим йиллар оша» мавзудий туркум фотосуратлари олий совринни қўлга киритди. Юртдошларимиз Михаил Головачев, Геннадий Камачев ва Леонид Кудрейко асарлари ҳам танлов мукофотлари билан тақдирланди.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ! «Иқтисодий ахборотнома» («Экономическое обозрение») журнали Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг реклама макетларининг танлови бошланганлигини эълон қилади. Танлов мақсади — миллий маҳсулотлар бозори ривожланишини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш. Танловда иштирокчи мезонлар асосида баҳоланади: гоғнинг ва дизайнинг янглиги, реклама тақрифнинг ўзига хошлиги ва лўндалиги. Конкурс ҳар ойда бўлиб ўтади. Унда иштирок этиши хоҳловчилар ҳар ойнинг учинчи санасига қадар ўз рекламаларининг оригинал-макетини электрон почта орқали жўнатишлари ёки «Иқтисодий ахборотнома» («Экономическое обозрение») журнали таҳририятга дискетада келтириб беришлари керак (ҳоржий брендлар макетлари қабул қилинмайди, техник талаблар қўйида кўрсатилган). Оригинал — макетлар интернетдаги www.cer.uz, www.govview.uz, www.marqand.uz сайтлари орқали омма мухокамасига қўйилади ва интернетда эркин овоз бериш йўли билан баҳоланади. Ҳар ойнинг охирига келиб, берилган овозлар сони ҳисоблаб чиқилади ва натижалар эълон қилинади. Ҳолиб деб топилган оригинал-макет соврин сифатида «Иқтисодий ахборотнома» («Экономическое обозрение») журналида уч ой мобайнида бепул чоп этилади. Макетларга техник талаблар: TIFF, EPS, PSD (Adobe PhotoShop), CDR (CorelDraw), AI (Adobe Illustrator) форматидеги файллар; График оригинал-макет ўлчами 286-206 мм, ҳар бир томон четидан 3 мм қирғим жойи, файллар СМУК рангли моделда тақдим этилиши шарт, таъсир ҳажми 300 dpi. Танлов бўйича қўшимча маълумотларни: Жаҳонгир Алимбабаевдан (107-13-31. Е — mail: jahongir@cer.uz) ёки Виталий Алхасьяндан (Е — mail:vitaliy@cer.uz) олишингиз мумкин. Тел: 67-05-26, 67-06-41, факс: 67-05-64. Манзил: иқтисодий тадқиқотлар маркази, 700137, Тошкент, Буюк Ипак йўли кўчаси, 71.

Тошкент вилояти ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ. Юқоричириқ қурилиш-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ва Олмалик қурилиш ва механизациялаш касб-ҳунар коллежи директорлари лавозимига танлов эълон қилади. Танловда илмий даражали (илмий унвонли) ёки олий педагогик (касб-ҳунар таълими) ёки касб-ҳунар муассасалари йўналиши бўйича маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Танловда қатнашни иштовчилар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: 1. Бошқарма бошлиғи номига ариза. 2. Тавсиянома. 3. Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақ. 4. Таржимаи хол. 5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси. 6. Илмий даража ва илмий унвон муассасаларининг нусхалари (агар бор бўлса). 7. Илмий-ушлубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (агар бор бўлса). 8. 4хб ҳажмидаги фотосуратлар (6 дана). 9. Номзод томонидан таълим муассасасига раҳбарлик бўйича тақдим этилаётган режа (концепция). Ҳужжатлар ушбу эълон босиб чиқарилган кундан кейин бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика шаҳарчаси. Телефонлар: 66-16-51, 66-09-59.

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАН**

Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноат институтида "Миллий истиқлол ғояси - ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида Ўзбекистон ҳалқининг ҳамжиҳатлиги ва яқдиллигини таъминлаш асоси" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мақур тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазири Олий Мажлисининг тўқинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Анжуманда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўқинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Замон ЭШОНКУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

**ВИЖДОНИ УЙҒОҚ,
ИМОНИ БУТ**

бўлмаган раҳбарга одамлар ишонмайди, эргашмайди

тўғаноқ бўлмакда. Шуниси ачинарлики, бундай ҳўжалиқларда пахтачилик ҳам аста-секин зарар келтирадиган соҳага айлана бормоқда.

Маълумки, шўролар даврида қишлоқ ҳўжалиғида асосан иккита йирик тармок — пахтачилик ва чорвачиликка алоҳида этибор қаратилади. Аммо, чорвачилик ҳўжалиқлар учун сурункали зарар келтирувчи тармок бўлиб, унинг ўрни пахтачиликдан олинандиган даромад ҳисобига қопланарди. Шуниси қизиқки, энди ҳосилдорликни 20 центнердан оширилмаётган қолоқ ҳўжалиқларда пахтачиликдан кўрилатган зарар галлачиликдан келаётган даромад ҳисобига қопланаётди. Бу йил бундай ҳўжалиқлар сафи янада кенгайиши табиий. Чўнки, вилоятдаги 125 та ҳўжалиқдан 83 таси давлатга пахта сотиш шартнома режасини ушламади. Сақизта ҳўжалиқда эса элик фоиғза ҳам бормайди.

Президент нутқида таъкидлангани (Давоми. Боши 1-бетда).

индик, чигитни шўнчаки экиб қўйиб, мўтлақ парвариш қилмаганда ҳам «бечора ғўза» 8 центнергача ҳосил берар экан. Мабодо ишлов берилса, кетган сарф-ҳаражатларни қоплаш учун 18 центнердан ҳосил олиш керак бўлади. Бунинг учун эса, ҳўжалиқ режанинг камида 70 фоиғза миқдорда пахта сотиши керак. Афсўски, ўнлаб ҳўжалиқлар бу йил шу маррага етиб бормай, вилоятни ҳам орқага тортилар.

Бунинг сабаблари суриштирилса, кўпчилик раҳбарлар анъанавий баҳона, яъни табиат инжиқликларини рўқач қилдилар. Лекин, вилоятда 42 та ҳўжалиқ режани муваффақиятли бажарди-ку? Уларнинг аксарияти пахтачиликдан соф фойда билан чиқиди-ку? Нима, табиат инжиқлиғи бу ҳўжалиқларни четлаб ўтди-микин? Фақат хомхаёл раҳбаргина шундай деб ўйлаши мўмкин. Президент нутқида шундай охилона фикр баён этилди: «... табиатга бўйрўк бериб бўлмайдим. Аммо, табиат инжиқлиғини ҳар доим

рўқач қилвериш ҳам ярашмайди. Ютуқларнинг қалити аслида ўзимизда, ишининг кўзини билиш, уни самарали ташкил қилиш, барча-барча имкониятларни ишга солиш ва аввало, мўтаҳассис ва деҳқонларни рағбатлантириш, уларга суянишда». Жуда тўғри гап. Бошқача бўлиши мўмкин эмас. Фикримизнинг исботи учун мўтаҳассисларга суянамслик, деҳқонларни рағбатлантирмасликнинг оқибати нима бўлишига фақат биттагина мисол келтирмоқчимиз.

Пскент туманидаги «Қирққизобод» ширкат ҳўжалиғида пахта сотиш шартнома режаси 49,2 фоиғза қолиб кетди. Ҳосилдорлик 14 центнерга ҳам бормайди. Негаки, одамлар ишламай қўйди. Хўш, улар нега ишга чиқмай қўйди? Сабаби — уларни алдашди. Ҳўжалиқ раҳбарлари яғна ва чопиқни вақтида қилганларга пахта ёғи ва бўғдой ваъда қилдилар-у, аммо ваъдага вафо қилмадилар. Бундан зада бўлган аҳоли суддан озми қўйган катиқни пуфлаб ичади, деганларидек,

пахта теримига ҳам чиқмади. Шу боис бор пахта ҳам ёлчиб терилмади, кеч етилган ҳосил эса, аҳолининг молига ем бўлди.

Холбуки, ўтган йили «Қирққизобод» режани туманда биринчи бўлиб бажариб, 30 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрган эди. Унда раҳбарлар бошқа эди. Нима учундир раис алмаштирилди-ю, орадан кўп ўтмай, бош мўтаҳассислар ҳам ўзгарди ва оқибатда ҳўжалиқ ҳозирги аҳволга тушди. Бунинг изохини Президентнинг нутқидан топиш мўмкин: «Биринчидан, одамларни, эл-юртни юксак мақсадлар ва марраларга даъват қиладиган раҳбар, аввало, ўзининг кундалиқ ҳаёти, бутун борлиғи билан бошқаларга ўрнак бўлиши, ҳақиқий қўраши бўлиши шарт.

Иккинчидан, бу мақсадларга эришиш учун раҳбар шу ғояларни ўзининг шайхши ғоялари деб билладиган фидойи инсонларни ўз атрофида бирлаштириши керак. Лекин улар хўшомадгўй, лаганбардор кимсалар эмас, балки раҳбар билан маслақдош, ҳамфикр, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қиладиган, ҳалол ва пок одамлар бўлиши лозим. Раҳбар ана шундай одамларни топиши, уларга таъниб ишлаши зарур». Юртбошимизнинг Сирдарё вилоятида куниб айтган бу сўзлари вилоятимиздаги барча раҳбар ва мўтаҳассислар учун ҳам катта сабоқ вазиғасини ўташи керак.

Абдусаммад ЙўЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

**«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ
МУНИЦИПАЛ БИРЖАСИ»
ҲАМКОРЛИККА
ЧАҚИРАДИ**

«Тошкент вилоят муниципал биржаси» (ТВМБ) фаолиятига шу йил ноябрь ойида икки йил тўлди.

«Тошкент вилоят муниципал биржаси» вилоят кўчмас мулк бозорида соғлом муҳит яратиш ва рақобатчиликни кўчайтириш, миғозларга теғзор ва сифатли хизмат кўрсатиш, мулкдорлар синфини амалда шакллантириш, хўсусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, вилоятдаги хўсусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишдан иборат.

Биржада савдоларни ташкиллаштиришда асосан нодавлат ташкилот ва хўсусий фирмаларнинг, жисмоний шахсларнинг, иқтисодий ночор корхоналар ва давлат солиқлари бўйича мажбуриятларини бажара олмай келаётган хўқўқий ва жисмоний шахсларнинг хатланган кўчмас ва бошқа мулкларни кўйилмоқда. Шунингдек, «ТВМБ» ходимлари Хўжалиқ суди «Суд ижрочилари департаменти» ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ишлаб, улор томонидан тақдим этилган мол-мулклар ҳам савдоларга кўйилиб, сотилмоқда.

2000 йилнинг сўнги ойи «Тошкент муниципал биржаси» тарихида савдоларни ташкиллаштириш ва миғозлар билан ишлаши йўлга қўйиш жараёни сифатида ўрин олган бўлса, 2001 йил биржа анча шаклланган ҳолда фаолият юритди. Йил давомида ташкиллаштирилган савдоларда 1451 та

турли кўчмас ва бошқа мулклар 1047,3 миллион сўмга сотилди. 2002 йилнинг 10 ойи давомида ташкиллаштирилган савдолар натиғасига кўра эса, 5000 дан ортиқ турли кўчмас ва бошқа мулклар 2190,4 миллион сўмдан зиёд-роққа сотилди. 2001 йил якуний кўрсаткичларига нисбатан 2002 йилнинг 10 ойида сотилган мулкларнинг сони 3,4 баробарга, баҳосига нисбатан эса 2,1 баробарга ўсган.

«Тошкент вилоят муниципал биржаси» тарихида 10 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. 33 та брокерлик идоралари ТВМБдан брокерлик ўринларини сотиб олиб, Тошкент вилояти ва Тошкент шахрининг турли шахар ва туманларида миғозлар билан ишлаб келмоқда. Келгусида Республикаимизнинг бошқа вилоятларида ҳам миғозлар билан ишлайдиган брокерларни биржага тақлиф этиш борасида ишлар олиб боришмоқда. Бу билан савдога қўйилладиган мулкларнинг салмоғи ошади ва миғозлар билан ишлаш доираси кенгайди.

Тошкент вилояти муниципал биржаси барча корхона ва ташкилотларни, ишбилармон тадбиркорларни, фермер хўжалиқларини биржа хизматидан фойдаланишга ва ҳамкорликка чақиради.

Бизнинг манзил: Тошкент, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Миробод» супермаркети бекати.
Тел: 56-30-12, 56-61-64, 56-52-47.

**IFC "АСАКАБАНК"КА
КРЕДИТ ЛИНИЯСINI ОЧДИ**

"Асакабанк" ва Халқаро молия корпорацияси (IFC) ўртасида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини молиялаш бўйича 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит битими имзоланди.


Битимдан мақсад хўсусий тармок корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўли билан Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишига кўмаклашишга қаратилган икки томонлама молиявий алоқаларни янада ривожлантиришдир. Ҳукумат кафолатларисиз жалб этилган инвестициялар республика экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ва импортга боғлиқликни камайитиришга, иш ўринларини кўпайитиришга ва хўсусий тармок маъқени мустаҳкамлашга хизмат қиладиган турли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда IFC инвестор сифатида "Асакабанк"ни хўсусийлаштириш жараёнида қатнашиш истасини билдирмоқда. Бу жараён 2003 йил охирида якунланиши кўзда тутилган. Банк хабарига таъкидланганича, "IFC"нинг Ўзбекистон банк соҳасини хўсусийлаштиришда иштирок этиши ижобий омил сифатида баҳоланади. Бу омил бутун хўсусийлаштириш жараёни ҳамда банк соҳасини ва умуман Ўзбекистон иқтисодини янада эркинлаштириш учун кучли туртки бўлади". (ЎЗА).

Қибрай тумани марказий шифохонаси фельдшер Шекербек Кистаубаев кўп йиллардан буйен сеvimли касбини ардоқлаб кўпнинг хурматига сазовор бўлиб келмоқда. «Бўри ота» ширкат ҳўжалиғи аҳолиси саломатлиғи йўлида фидоқорона меҳнат қилиб келаётган бу соғлиқни сақлаш ходими яқинда «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

СУРАТДА: фельдшер Ш. Кистаубаев ва ҳамшира Ҳ. Салимова навбатдаги беморни қабул қилаётган пайт.

Даврон АҲМАД олган сурат.



**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСINING ФИЛИАЛИ
«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ»**

КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
ўз абонентларини,
Тошкент вилояти ва Ўзбекистоннинг
барча аҳолисини
улуғ ва қувончли байрам —

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

билан қизгин табриклайди.
Асосий Қонунимиз мана ўн йилдирки,
бизнинг порлоқ, буюк келажак томон йўлимизни ёритмоқда,
янги ҳаётни барпо этиш, халқ фаровонлиғини ошириш ва
мамлакатни гуллаб-яшнашнинг кафолати ҳисобланади.
Барча юртдошларимизга бахт ва саодат,
тинчлик ва осойишталик, оилада фаровонлик,
бунданда ёрқин ва қувончли кўнларни тилаймиз.
Байрамингиз муборак!



«Тошкент-Телеком» корхонаси жамоаси.

**ОЙИГА ИККИ МИЛЛИАРД
СЎМЛИКДАН ОРТИҚ**

Чирчиқдаги энг йирик корхона ҳисобланган «Электркимёсаноат» очик турдаги акциядорлик жамияти жамоаси йилнинг кейинги ойларида қатор маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмини жадал кўпайитиришмоқда.

Республикаимиз қишлоқ ҳўжалиғида, айниқса, пахтачиликда бу ерда тайёрланаётган турли хил маъданли ўғитларга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиғи шуни тақозо этмоқда. Корхона жамоаси ҳар ойда ўртача 2 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида 21 миллиард сўмликдан зиёдроқ даромад олинди.

Айниқса, аммиакли

селитра ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар тез охиб бормоқда. Бу цехда йиллик таъмирлаш ишларининг барвақт бажарилиши, барча асбоб-ускуналарнинг пухта созланиши салмоқли самара берди. Чўнончи, лойиҳа қувватларидан тўла фойдаланиш имконини яратди. Шу тўғайли йилнинг ўтган тўққиз ойида режада белгиланган 291,2 миғтонна ўрнига 317,5 миғтонна аммиакли селитра тайёрланди. Маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 118,5 фоиғзини ташкил этди.

Акциядорлик жамиятида тайёрланаётган кенг истеъмол моллари ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бунда ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиланти. Йилнинг ўтган тўққиз ойида истеъмол бозорига 789 миллион сўмлик маҳсулотлар жўнатилди. Бу белгиланган режа 143,5 фоиғз қилиб адо этилганлиғини кўрсатади.

Ўз мухбиримиз.

**Республика кўчмас мулк биржасининг
Тошкент вилоят филиалида**

ўтган haftaда, 3 та биржа савдоси бўлиб ўтди.
Биржа савдосида 10 та нодавлат автотранспортлари жами 2327,0 миғнинг сўмга, 3 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 7820,0 миғнинг сўмга сотилди.
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 20. 11. 2002 йилдаги 92-сонида берилган эълондаги «Сиз азизларни 2002 йил 26 декабрь ва 2003 йил 8, 15 январь кўнлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига тақлиф этади» жумласи қуйидагича ўқилсин:
«Сиз азизларни 2002 йил 25 декабрь ва 2003 йил 8, 15 январь кўнлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига тақлиф этади», деб ўқилсин.

**СИҲАТГОҲГА
ОТАЛИҚ ЁРДАМИ**

Тошкент туманида жойлашган 1-болалар сил касалликлари сиҳатгоҳи ташкил этилганга яқинда 65 йил тўлади. Бугунги кунда бу ерда 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 бола ўз соғлиғини тикламоқда. 17 гектарли боғ ичида жойлашган сиҳатгоҳда доволлаш мажмуалари, тўққиз йиллик мактаб, ётоқхона ва ўйингоҳлар мўвजूд.

Бош шифокор Тамара Давлатована Тўйчиеванинг сўзларига қараганда, сиҳатгоҳ Тошкент вилоятида яғна. Шу сабабли, вилоятнинг барча туманларидан сил касали билан

огриган беморлар билан яқин алоқада бўлган ёки организмни шундай касалга мойил болалар қабул қилинади. Улар 2 ойдан 8 ойгача махсус даво курсини оладилар. Айни пайтда ўз ўқиш

ларини ҳам давом эттиришади. Малакали педагоглар уларга дарс берадилар. Бир йилда 350-370 бола соғлиғини тўла тиклаб, ўз оиласи барғига қайтади. Яқинда сиҳатгоҳда хайрли бир тадбирнинг ғувоҳи бўлдик. Жамоага «Сифат — қалите йўнатим» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг оталиқ ёрдами топширилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Тошкент тумани ҳокимияти,

**МАҲАЛЛИЙ
МАҲСУЛОТЛАР
НАМОЙИШ ЭТИЛДИ**

Ангренадаги Дукент маданият саройида ташкил этилган навбатдаги савдо ярмаркасида вилоятимиз шахар ва туманларида фаолият кўрсатаётган 99 та корхона ва хўсусий тадбиркорлар келтирган 400 турдаги истеъмол товарлари намойиш этилди.

Шу кўни ярмаркада ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари ўртасида умумий қиймати 128 миллион сўмдан зиёд 48 та шартнома тузилди. Жумладан, «Ангрена савдо» ҳиссасдорлик жамияти 20, «Янгийўлматлубот савдо» ташкилоти 16, хўсусий тадбиркор Абдуназаров 10 миллион сўмлик маҳсулотга шартнома расмийлаштирди. Ярмарка ташкилотчиси «Тошкентвиллоятсавдо» акционерлик компанияси раиси Ғайрат Турсуновнинг таъкидлашича, навбатдаги ярмарка Янгийўл шахрида ўтказилади. Юқоричирик туманида эса йил давомида ишлайдиган доимий ярмарка ташкил этиш тадбирлари ниҳоясига етмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Саҳоват

тадбирларида иштирок этамиз. Давлатимиз ёш авлодини соғлом ва ҳар томонлама етуқ инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда. Давлат сарфлаётган маблағлар қаршида бизнинг ёрдамимиз бир томчи холос. Аммо, «ҳа, деган туяга мадор» дейишади. Фарзандларимиз соғлиғини тиклашга бизнинг ҳам баҳолуқудрат хиссамиз кўшилсин, дедик.

Сўзга чиққанлар саҳоватлиқларини учун қўшма корхона раҳбарига миннатдорчилик билдириб, сиҳаттоғ жамоасининг келгуси ишларига муваффақиятлар тиладилар.
Сарвар МУҲАММАДИЕВ.



Тошкентда биринчи қор ёғди. Даврон АХМАД олган суратлар.

26-ҳаво Утган кун ва кеча ёққан қор бутун борлиққа оппоқ гилам тўшагандек бўлди. Дастлабки қор қувончи билан бирга кишининг ўзига яраша ташвишлари бошланди. Хўш, энди бу ёғига об-ҳаво қандай бўлади? Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар қилишича бугун Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шимол-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 1-6 даража совуқ бўлади. 5-8 декабрь кунлари ҳарорат аста-секин кўтарилади. Кечалари 0 - 5 даража совуқ, кундуз кунлари 5 - 10 даража илиқ бўлади.

Болалар ижодий кўргазмаси

Тошкентдаги Болалар бодий ижодий марказида 3 декабрь - Халқаро ноиронлар кунига бағишлаб ноирон болаларнинг ижодий кўргазмаси очилди.

Унда пойтахтимиздаги мактаб-интернат ҳамда мурувват уйларида 50 нафар тарбияланувчиси чизган расмлар намойиш этилмоқда. Расмларда Ватанга муҳаббат, бегубор болалик, табиат манзаралари, эртак қаҳрамонлари ўз аксини топган.

Фирюза ХОЛИҚОВА (ЎзА).



КЕЛИН УЙИДАН ҚАЙТГАН ТОРТ

Воқеа шундай бўлган эди. Оқдй кунларнинг бирида ширин уйкумни ярим кечада телефон кўнгириги бузди. Ғушакни кўтардим, навбатчи экан. Юкумли касалликлар шифохонасига тез етиб боришимни айтиди. Унинг гапига қараганда тўрт нафар бемор овқатдан заҳарланиш гумони билан ётқизилган. Маълум бўлишича, улар тўсатдан хасталаниш сабабини торт истеъмол қилганликлар билан боғлашаётган экан. Одатда тортдан заҳарланиш оғир ўтишини, инobatга олиб, навбатчига тегишли мутахассисларни зудлик билан чақиритиш таяинлаганча, йўлга отландим.

Ишхонага келганимда, соат 2 дан 45 дақиқа ўтган эди. Боргунимча мутахассислар масаласига бир оз аниқлик киритишибди. Беш-қайрағоч даҳасидаги маҳаллаларнинг биридаги оиладан 4 киши бирданга, кейинрок

яна икки киши кўнгили айнаши, қориндаги қаттиқ оғриқ, умумий ҳолсизлик ва тана ҳароратининг кўтарилиши каби аломатлар билан юкумли хасталиклар касалхонасига

Шифокор мулоҳазалари

«Бор товоям, кел товоям» қабилида тоғоралар алмашинувининг аянчли оқибаги ҳақида

Мазкур воқеа ҳайитнинг бешинчи кунини содир бўлган. Марҳамат опа 19 яшар ёлғиз қизи Наргизани онахонинг маълум турмушга узатади. Тўйдан сўнг 2-2,5 ойлар чамаси ўтган, ҳайит арафасида қизи тушган оилага тоғора-тоғора ноз-неъматлар жўнатади. Махсус бюртма берилиб, 4 қаватли торт тайёрлатилади. Бюртма ёлғон арафа кунини тайёр бўлган бўлса, кувёнига эртасига олиб борилади. Тўрт кун у келининг яса-тилган меҳмонхонасига сақланади. Албатта, бу кунлар мобайнида унга ҳеч ким тегмайди. Ташқари совуқ бўлсада, келининг уйи иссиқ эди. Ҳайитнинг учинчи кунини кечқурун егулик икки-кига бўлиниб, ярми қуданига қайтарилади. Келин янги хонадондаги оила аъзоларини дастурхонга, «супрақоқди»га чақира туриб, қолган тортдан татиб

қўради. Шунда у егуликда нохуш таъм борлигини, яъни айнаганини пайқаб, қайнонасига маълум қилади. Торт қайнона руҳсати билан дастурхондан олиб қўйилади. Келинчақ шу заҳоти онаси Марҳамат опага кўнгирак қилиб, ширинлик бузилганини айтиди. Ташлаб юборсақ, увол бўлмасин деб, Марҳамат опа уни сиғири бор қўшнисиникига чиқаради. «Айниганга ўхшайди, шунинг учун емадик», дейди. Аммо, қўшни хонадон соҳибаси «шундай нарсани молга берадим», деб уни музлаткичга қўяди. Сўнг, кечки чой пайтида уни оила аъзолари биргаликда баҳам кўришади.

Афсуски, воқеа аянчли тугади. Шифокорлар ҳарчанд уринишмасин, тортдан заҳарланган икки инсон — ёш набира ва бувининг ҳаётларини сақлаб қолишолмади. Санитария-эпидемиология соҳаси шифокори сифатида шу кели нохуш воқеалар такрорланмасин, деб ўтган йили рўй берган юқоридаги воқеани қозғога туширдим. Айтмоқчиманки, саломатлигимиз ўз қўли-мизда эканини унутмайлик. Байрамларимиз доим шоду ҳуррамлик, хотиржамлик билан ўтсин! Тановул қиладиган таомларимиз бизга фақат лаззат бахш этсин!

Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,
Тошкент шаҳар
Акмал Икромов
тумани Бош давлат
санитария враччи.

СКАНВОРД

Х	Н	В	О	М	Портловчи снаряд	Айш штати	Жумбоқли шеър	Халқаро расмий тўжват	С
Ҳ	Д	Т	Ш	И	Тош асрининг энг оғирли дари	Илтифот, тақаллуф	Хилча, нозик	Ишнинг амалга ошириш тарзи	Ошна-оғайни, дуст
Ж	З	А	Х	А	Жиззахдаги туман	Оптик асбоб	Поллиз экини	Ю	Ю
Я	П	О	Н	Я	Япония пойтахти	Араб ҳарфи	Кондитер маъсу-лот	Ю	Ю
У	С	П	Х	О	Устама солиқ	Пилла қурғи топаси	Хонанда Селин ...	Чарқнинг ил ўрай-диган қисми	Олов
О	А	В	К	И	Оғин	Ишдан холи	Ишдан холи	Ишдан холи	Ишдан холи
К	О	Р	Я	У	Корей авто рууни	Тоша оқ пахта	Тоша оқ пахта	Тоша оқ пахта	Тоша оқ пахта
Н	А	М	О	З	Намозга чакрар	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман
Т	Е	Н	Г	У	Тенгкур	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман	Тошкент вилояти-даги туман

Тузувчи: Акрамжон ХУЖАМОВ.

Шимолий Африка маҳаллий аҳолиси «шайтон дарахти» деб атайдиган энг ёруғ ўсимлик ўзидан тунда нурланувчи фосфор тарқатиб, уйқисизларнинг бемалол ўқишларига ёрдам беради.

Дунёда энг баланд дарахт Калифорния (АҚШ) штатидаги хибонлардан бирида усаётган «Говард Либби» бўлиб, унинг баландлиги 110 метрдир.

Мексикада ўсадиган энг рангдор гул тонгда - оқ, тушда - тўққизил, тунга яқин - очқизил, шомда - яшил, кейинрок - тўқ яшил, тонга яқин эса - яна оқ рангда кўзга ташланади. Бу гул фақат оқ рангдалиги пайтида ифтор таратади.

Дунёдаги энг кичик буг машинани Гелзенкирхон шаҳрилик (Германия) 33 ёшли ихти-рочи Детли Абрахам ясаган. Мисдан ишлан-ган бу митти машинанинг узунлиги атиги 14 миллиметр, бўйи эса 12 миллиметрни ташкил этади.

Венгриянинг Печ шаҳридаги «Паннонавто» корхонаси мутахассислари энг енгил самолёт яратдилар, унинг оғирлиги 150 кило бўлиб, соатига 60 километр тезликда уча олади.

ТАДБИРКОРЛИК ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Беқободлик тadbirkor М. Оқила ноқонуний равишда мамлакатимизга махсулот олиб кириш мумкин эмаслигини билса-да, бу ишга қўл урди. Унинг Х. Раҳматга қарашли «Дамас» русумли машинада ҳеч қандай хуж-жасиз умумий нархи 387 минг сўм бўлган чет элда ишлаб чиқарилган

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

«МЕТАЛЛУРГ» – КУЧЛИЛАР САФИДА

Мамлакат XI миллий чемпионатининг сўнгги 30-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Саккиз учрашувда дарвозаларга 32 та тўп киритилди.

«Металлург» ўз майдонида «Зарафшон»ни қабул қилди. 69-дақиқада 11 метрлик жаримадан Вячеслав Пономарев ҳисобни очди. Шу ягона тўп металлурчиларга галаба келтирди. Улар жами 48 очко тўплаб, чемпионатни бешинчи ўринда яқунладилар.

«Дўстлик» Термизда «Сурхон»га қарши майдонга тушди. Бу учрашувда майдон эгалари учун галаба зарур эди. Улар ўйинни кўтаринки руҳда ўтказиб, меҳмонлар дарвозасига 4 та тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Дўстликчилар эса, икки тўп билан жавоб қайтардилар. «Дўстлик» чемпи-онатни 35 очко билан тўққизинчи ўринда яқунлади. Бронза медалини «Ки-зилқум» жамоаси қўлга киритди. «Зарафшон» ва «Сўғдиёна» жамоалари 15-16-ўринларни эгаллаб, олий табақани тарк этишди.

Сўнгги турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Трактор» 1:4, «Машъал» — «Самарқанд-Д» 3:0, «Навбахор» — «Бухоро» 3:0, «Кўкон 1912» — «Қизилқум» 2:1, «Нефтчи» — «Насаф» 4:1, «Андиджон» — «Сўғдиёна» 3:3.

Тўпурарлар баҳсида Бахтиёр Хамидуллаев («Андиджон») 22 та, Марсел Идатулин («Қизилқум») 21 та, Шўхрат Мирҳолдиришов («Навбахор») 19 та тўп билан пешқадамликни қўлга киритди-лар.

Биринчи табақа ВАКИЛЛАРИМИЗ БЕШТА БЎЛДИ

Миллий чемпионатнинг биринчи табақасида иштирок этётган жамоалар ҳам сўнгги тур учрашувларини ўтказдилар. Совринли уч ўрин муддатидан илгари аниқланган бўлса, кучли ортиликдан жон олиш учун «НБУ-Осиё», «Кимёгар», «Шаҳрихон», «Жайхун» жамоалари кўраш олиб бордилар.

«Кимёгар» сўнгги ўйинни ўз майдонида «Шўрчи» жамоаси билан ўтказиб, 4:0 ҳисобида зафар қучди ва чемпи-онатни бешинчи ўринда яқунлади. «Ангрэн» эса, Бухорода «Ситора»га қарши майдонга тушиб, қутилмаганда йирик ҳисоб-да (7:1) ютқазиб қўйди ва чемпионатда учинчи ўрин-ни эгаллади.

Олий табақада сўнгги икки ўринни эгаллаган «Зарафшон» ва «Сўғдиёна» жамоалари ўрнини «Гулистон» ва «Цементчи» эгаллайди.

Ўзбекистон футбол фе-дерациясининг 2003 йилги чемпионати ўтказишга оид янги низомига мувофиқ биринчи табақада 20 та жа-моа иштирок этадиган бўлди. Улар икки гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақала-шади. Шунинг учун вилоят чемпи-онлари бўлган жамоа-лар биринчи табақага йўлланмани қўлга киритиш учун баҳс юритдилар. «А» гуруҳида «Ўзбекистон» (Пскент тумани), «Академия» (Тошкент), «Чоғониён» (Денов тумани), «Китоб» (Китоб тумани), «Пахтакор» (Чуст тумани), «В» гуруҳи-да эса, «Тошкент» (Тошкент тумани «Тошкент» ширкат

хўжалиги), «Хазорасп» (Хазорасп тумани), «Ёғ-мой» (Қўқон шаҳри), «Бу-хоро-2» (Бухоро шаҳри), «Фаллакор» (Фаллаорол тумани).

Бу мусобақада вилоятимиз вакиллари ўз гу-руҳларида голиб чиқди-лар ва биринчи табақа йўлланмасини қўлга ки-ритдилар. Уз гуруҳла-рида иккинчи ўринни эгаллаган «Академия» ва «Хазорасп» ҳам келаси йили биринчи табақа мусобақаларида ишти-рок этади. Гуруҳ мусоба-қаларида учинчи ўринни эгаллаган «Чоғониён» ва «Ёғ-мой» жамоалари ўза-ро баҳс юритиб, бешинчи йўлланма тақдирини ҳал этишди. Сурхон-дарёлик футболчилар йўлланма соҳиб бўлди-лар.

2003 йилда биринчи табақада Тошкент вилоят-дан беш жамоа ишти-рок этади. Булар «Ангр-эн», «Кимёгар», «Солиқ-чи», «Ўзбекистон», «Тош-кент» жамоаларидур.


Ўзбек кураши

ГИЛАМГА ТАЛАБАЛАР ЧИҚАДИ

Бугун Тошкент Давлат аграр университети-нинг спорт мажмуида талабалар ўртасида ўзбек кураши халқаро қондалари асосида республи-ка турнири бошланади.

Университет жамоасининг хайрли ташаббуси билан ташкил этилаётган ушбу мусобақалар Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 10 йиллигига бағиш-лаб ўтказилмоқда. Ушбу та-шаббусни қўллаб-қувватла-ган Кишлоқ ва сув хўжали-ги ҳамда Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирликлари мусобақаларнинг юксак са-вийда ва ушқоқлик билан ўтиши учун зарур шарт-ш-роитларни яратишда ўзaro ҳамкорлик қилмоқда.

4-5 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган мусобақаларда рес-публикадаги олтмишдан кўпроқ олий ўқув юрталари-дан ташриф буюрган 200 дан зиёд полвон иштирок этиши кутилмоқда. Еттига вазн тои-фасида турнир голиби бўлган курашчиларга ва совринли ўринларни эгаллаганларга ол-тин, кумуш, бронза медалла-ри ҳамда тегишли дипломлар топширилади. Шунингдек, юксак натижаларга эришган полвонларни ҳомиёрлар то-монидан тайёрланган рангли те-левизор, магнитофон, гилам ва бошқа қимматбаҳо совга-лар кутмоқда.



А. САМАДОВ.

Қилмиш-қидирмиш

21013- русумли автомашинасида Тўлабий номли ширкат хўжалиги ҳудудида айланма йўл орқали умумий нархи 46 350 сўм бўлган 110 дона арқони қонунга хилоф тарзда Қозғоистон Республикасида Ўзбеки-стонга олиб кириб келатганида вилоят йўл-патрул хизмати ходимлари тўхтатиб қолди.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг Матбуот маркази ходими.

Янгийўл туманидаги 50-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Раҳматов Баҳо-дир Хасанбоевич номига берилган О'Р — А № 779871 аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти табии-ти муҳофаза қилиш қўмитаси Ангрэн табииати муҳофа-за қилиш минтақавий қўми-тасининг раиси **РАҲМАТУЛЛАЕВ АБДУВАЛИ ХАЛИЛОВ**нинг вафот этганига муноса-бат билан унинг оила аъзола-ри ва яқинларига чуқур таъ-зия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ **Муассис:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ **Бош муҳаррир** Фатхиддин МУҲИДДИНОВ **Шлефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълолар: 133-70-10, 136-53-80. **Манифест:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. **Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида тёрлиди ва саҳифаланди.** ● Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир. **Буюртма Г-1052. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.**